


Яхши амал қилса хурсанд бўлади!



11:00 / 10.12.2023 2286

Бир киши Абу Зарр розияллоху анхунинг олдига келиб иймон ҳақида сўради. Абу Зарр розияллоху анху унга қуйидаги оятни ўқиди:

«Яхшилик юзингизни машриқ ёки мағриб томонга буришингизда эмас. Лекин яхшилик ким Аллоҳга, охират кунига, фаришталарига, китобга, пайғамбарларга иймон келтирса ва яхши кўрган молини қариндошларига, етимларга, ватангадоларга, тиланчиларга, қул озод қилишга берса, намозни қоим қилса, закот берса. Аҳд қилганда аҳдига вафо қилувчилар, камбағаллик, қийинчилик пайтида ва шиддат вақтида ҳам сабр қилувчиларга, ана ўшалар содиқ бўлганлардир, ана ўшалар тақводорлардир».

Ҳалиги киши деди:

- Мен сиздан яхшилик ҳақида сўрамадим!

Абу Зарр розияллоху анху деди:

- Бир киши Набий саллоллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб сен миздан сўраган нарсангни сўради. У зот соллоллоху алайҳи васаллам унга мен сенга ўқиб берган оятни ўқиб бердилар. У сен менга айтган гапингни Набий соллоллоху алайҳи васалламга айтди. У рози бўлмагач, Набий соллоллоху алайҳи васаллам унга дедилар:

- Менга яқинроқ кел! Иймонли киши яхши амал қилса хурсанд бўлади ва савобини умид қилади. Агар ёмон амал қилса хафа бўлади ва азобидан кўрқади. Агар яхшиликларинг сени хурсанд қилса сен иймонлисан!».

Дунё охират экинзоридир. Биз бунда экин экамиз. Ҳосилни эса Аллоҳга йўлиққанзимизда оламиз. Мўъмин киши дунёда бир яхшилик қилса замирида саодатни, қалбида роҳатни ҳис қилади. Буни Аллоҳ учун қилганига ишонади. Эртага Унга йўлиқишини билади. Аллоҳдан кўра вафоли зот йўқлигини, қиёматда унинг ажрини гўзал суратда беришини англайди!

Агар ёмон амал қилганингизда хафа бўлсангиз, демак сиз мўъминсиз!

Ҳаммамиз хатокормиз. Агар гуноҳнинг ҳиди бўлганида бир-биримиз билан ўтира олмаган бўлар эдик. Инсонлар кўришини истамаган томонларимизни сатр қилган, инсонлар кўришини истаган томонимизни тарқатган Аллоҳ покдир!

Мўъмин киши гуноҳ қилиб қўяди. Сўнгра унинг маҳзун бўлиб қолганини кўрасиз. Қалби синади. Сўнгра намоз, рўза, тавба, истиғфор, кечги намоз ва кўз ёшлари билан Аллоҳга қайтишга шошилади.

Аммо гуноҳни қилиб хафа бўлмаса, надомат қилмаса мана бундан қўрқиб лозим. Аллоҳнинг ҳалимлигини ожизлик деб ўйласа, гуноҳ қилганида Аллоҳнинг сатр қилганини суистимол қилиб яна гуноҳда бардавом бўлса, мана бу хавfli!

Доктор Муҳаммад Ражаб айтади:

«Ўғлим! Гуноҳларинг ичида энг зарарлиси биринчиси ҳам эмас, охиргиси ҳам эмас, кўпи ҳам эмас, ози ҳам эмас. Сенинг ҳалокатинг гуноҳни қийналмасдан, қалбинг оғримасдан қилишингдир. Ана шундан сўнг қалбинг унга ўрганиб қолади. Уни тавбага ундайдиган синиқликни энди топа олмайсан. Эй ўғлим! Агар кунларимизни яхшилаб тафтиш қилганимизда, кўп гуноҳларимиз одатга айланиб кетганини англаган бўлар эдик. Бу гуноҳларнинг ҳаромлигига қалблар эътибор бермай қўйди. Эй ўғлим! Энг зарарли гуноҳ сени маст қилган гуноҳдир!».

Абдулқодир Полвонов

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг
2023 йил 10 майдаги 03-07/3450-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.*